



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши 203-  
гуруҳ талабаси Ибрагимова Умида**

# **REFERAT**

**МАВЗУ: Инсон ва шахс**



**Илмий раҳбар:\_\_\_\_\_У.Равшанов**

**Кафедра мудири\_\_\_\_\_М.Собирова**

**Тошкент 2014**

# **Инсон ва шахс**

**Режа:**

## **Кириш**

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

I-боб. Инсон ва шахс

1.1.Инсон ва шахс тушунчалари

1.2.Гуманистик типдаги шахс ва унинг таркиби

II-боб. Инсон қадри ва шахс масъулияти

2.1. Ирсият, руҳият, маънавият. Инсон табиатининг ўзига хос хусусиятлари

2.2. Одоб, ахлоқ, маънавият. Маънавий тарбия восита ва усуллари  
поғонадорлиги

## **Хулоса**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## К И Р И Ш

Боболаримиз орзу қилган баркамол инсонни шакллантирмоқ учун ғоявиймафкуравий жараён ташкилотчилари, тарғиботчилари нафақат унинг шаклланиши жараёни, балки «баркамол инсон» тушунчасининг мазмуни тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари зарур.

Мусулмон фалсафасида «баркамол инсон» тушунчасини илк бор Мухийиддин Арабий муомалага киритган. Унинг фикрича, баркамол инсоннинг ердаги тимсоли пайғамбаримиз Муҳаммад эди. Азизиддин Насафий эса яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маорифни ўзида мужассамлаштирган кишини баркамол инсон деб тушунган.

Замонлар ўтиши билан «баркамол инсон» тушунчасининг мазмуни ўзгариб борди. Ҳозирги замон инсоншунос олимлари баркамол инсон деганда жисмонан бақувват, руҳан тетик, маданиймаънавий етук, юксак касбкор ва яшаш малакасига эга бўлган, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш малакаларини ўзида мужассамлаштирган мустақил шахсни тушунадилар. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда, «озод шахс» (217), «эркин шахсни» (421) кўз олдиларига келтирадилар.

Маъруза матни «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанидан сабоқ олаётган талабалар, муаллимлар, ташкилотчилар ва тарғиботчиларга мўлжалланган.

## 1.1. “Инсон” ва “шахс” тушунчалари

Инсоннинг фикрлаш тарзига ғоявиймафкуравий таъсир ўтказишга ахдупаймон қилган, бошқача айтганда, миллий истиқлол ғояларини фуқаролар, айниқса ёшлар онги ва фаолиятига сингдириш жараёнининг ҳар бир ташкилотчиси, ҳар бир тарғиботчиси “инсон” ва “шахс” тушунчаларини аниқ тасаввур қилишлари лозим.

Инсон ва шахс тушунчаларининг маъноси, мазмуни, улар ўзида мужассамлаштирган реал воқелик ҳақида фикр юритишдан аввал, “одам” тушунчасининг моҳиятини билиб олиш даркор. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, “одам” деб аталувчи ягона биологик турга мансуб бўлган тирик махлуқот (гуманоид) бундан 50 минг йил илгари вужудга келган. Ана ўша одам деб аталувчи махлуқот инсон даражасига кўтарилишгунча узоқ давом этган антропосоциогенез жараёнини босиб ўтган. Худди шунинг учун ҳам инсон узоқ давом этган антропосоциогенез жараёнининг маҳсулидир.

Ўша “одам” деб номланувчи тирик махлуқотни (гуманоидни) инсонга айланиши (антропогенез) ва уни маълум бир жамиятга (социогенез) бирлашиш, уюшиш жараёни тахминан 33,5 минг йил давом этган. Ҳозирги замон инсоншунос олимларнинг фикрига кўра, инсон деб номланувчи биоижтимоий мавжудотнинг дастлабки аجدодлари Помир тоғлари, Ҳиндикуш атрофларида вужудга келган.

Европалик тадқиқотчилар А.П. Пирмак, Т.А. Попович, шунингдек Англиядаги Оксфорд университетининг профессори М.Мюллерларнинг ёзишича, ҳозирги Европа, Осиё мамлакатларида яшаётган халқлар, қадимқадимда Помир, Ҳиндикуш тоғлари атрофида яшаётган орий қибилаларидан тарқалган. Хусусан, бундан 35 минг йил аввал, ўша орий қибилаларининг бир қисми Эронга кўчиб кетишган.

Ҳозирги замон инсоншунос олимлари инсонни ягона биологик турга мансуб бўлган хусусиятлари, хоссаларини тиникроқ тасаввур қилиш учун “одам” деган тушунчадан фойдаланадилар. Бошқача айтганда, “одам” инсонни ягона биологик турга мансублигини ифодаловчи тушунчадир. Модомики шундай экан, инсон қандай тушунча? Ушбу тушунча инсон борлигини қандай хусусиятларини ўзида ифодалайди? Инсон борлигининг асосий структуравий компонентлари нималардан иборат?

Инсон уч компонент: танарухиятмаънавиятнинг йиғиндисидир. Бошқача айтганда, инсон биологик, психологик, маънавий ҳолатларни йиғиндисидир. Инсонни биологик ҳолати деганда унинг танасида содир бўладиган морфофизиологик, генетик, нервмиясидаги электрохимик ўзгаришлар

тушунилади. Инсоннинг руҳий ёки психологик ҳолати дейилганда унинг хистуйғулари, кайфияти, характери, темпераменти тушунилади. Инсоннинг маънавий ҳолати деганда унинг ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий етуклигини, маданий савияси, меҳнатга бўлган муносабатини ифодаловчи фазилатлари, касбкор малакалари, қобилиятлари тушунилади.

Инсондаги руҳийпсихологик ҳолатлар билан маънавияти бирлашиб инсоннинг ижтимоий қиёфасини вужудга келтиради. Бундай аралашув инсон биосоциал мавжудот эканлигидан далолат беради. Бошқача айтганда, инсон ҳам биологик, ҳам социал ҳолатларни йиғиндисидан иборат мураккаб уюшмадир. Бундай мураккаб уюшмани шакллантиришда табиийижтимоий муҳит, наслнасаб муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бир ибора билан айтганда инсон жамиятдаги объектив шартшароитлар ва субъектив омиллар таъсирида шахс даражасига кўтарилади. Шахс деганда, инсонда мавжуд бўлган жаъмики ижтимоий фазилатлар, индивидуал хислатлар, хосиятлар, кароматлар, малакалар, кайфиятлар, қобилиятларни йиғиндиси тушунилади.

Шахс – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг индивидуал ифодаси, ижтимоий аҳамиятга молик хусусиятлар комбинацияси, инсон ижтимоийлигининг шаклидир. Шахс – инсон ижтимоий моҳиятининг конкрет ифодасидир. У инсондаги инсонийлик меъёрини характерлайди. Шахс – инсон ва жамият кесишган чорраҳаким, унинг турли фаолиятларидан инсоният тарихи таркиб топади. Шахс тушунчаси, бир томондан, инсон ижтимоий, маънавий, маданий ривожининг даражасини акс эттирса, иккинчи томондан, унинг ихтиёрини, ўзига хослигини англатади.

Баъзи ҳолларда "шахс" ва "индивидуаллик" тушунчаларини синоним сўзлар сифатида ишлатишади. Аслида бундай эмас. Биринчидан, "индивидуаллик" да инсоннинг ўзига хос томонлари жамланса, "шахс" тушунчасида ундаги онглилик ва ижтимоийликни ифодалайди. Ўз фаолияти, унинг мақсадларини чуқур англаган ва унга интиланг индивидгина шахс бўла олади. Иккинчидан, "индивидуалликда" асосий эътибор инсон хислатларининг яхлитлигига қаратилса, "шахс" да унинг мустақиллиги диққат марказида бўлади. Шунинг учун бу икки тушунчанинг ҳатто ўлчовлари ҳам турлича: индивидуалликнинг ўлчови хислат бўлса, шахснинг ўлчови фазилатдир.

Шахс – ташқи дунёнинг субъектив инъикоси, ўз фаолияти ва ижтимоий аҳволининг ҳосиласидир. Унинг фаолияти доирасига меҳнат, муомала, спорт, кишилар билан турли алоқалар, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг турли соҳалари киради. Шахс онги ва фаолиятини жамиятдан ажратиб тушунтириб бўлмайди. Ҳар қандай шахснинг ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятини қайси ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб англаш, тадқиқ этиш мумкин. Шу боисдан шахс

ижтимоий структураси ҳақида гап борар экан, унинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигини, қандай ижтимоий вазифани бажараётганини эътибордан четга қолдирмаслигимиз лозим. Бунинг учун шахснинг қайси мақсадга интилаётганини ўрганиш, аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, шахс ижтимоий моҳиятини ўрганиш учун шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уч асосий компоненти шахснинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, у бажараётган ижтимоий вазифалар йиғиндиси, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, билимлари, қарашлари ва эътиқоди таҳлил этилмоғи лозим.

Шахс ижтимоий моҳиятини унинг ўз ўзини англаши, қадриятлари системаси, ижтимоий муносабатлари, мустақиллиги, масъулияти ташкил этади. Шунингдек, инсоннинг шахс сифатида шаклланганлигининг муҳим ўлчови ижтимоий фазилатлардир. Ижтимоий фазилатлар – шахснинг маълум ижтимоий тарихий шароитда, кишилар билан алоқаларидан келиб чиқадиган аломатлари, белгилари йиғиндисидир.

Бироқ шахс – ўзига хос реаллик бўлгани туфайли уни фақат ижтимоий фазилатлар йиғиндисидан иборат, деб ҳисоблаш соддадиллик бўлур эди. Руҳий ҳолатлар ҳам, индивиднинг ижтимоий фазилатлари ҳам, ахлоқий ақлий етуклиги ҳам шахс ижтимоий моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Шахснинг ўзига хос хусусияти, энг аввало, унинг нарса ва предметлардан туб сифатий фарқида намоён бўлади. Нарса ва предметлардаги ўзгаришлар чекланган, чегаралангандир. Шахс эса маънавий жиҳатдан мунтазам янгиланиб ва ривожланиб боради. Ушбу жараённинг чекчегараси йўқдир.

Шахс хулқатвори, ҳаттиҳаракатининг ҳолатини белгилашда унинг мустақиллиги катта роль ўйнайди. Шахс мустақиллиги инсоннинг ўзига ўзи хўжайинлигини, унинг қатъий амал қиладиган маълум принциплари, нормалари мавжудлигидан далолат беради. Табиийки, гап инсоннинг ўзи учун алоҳида қонунлар, ахлоқий нормалар кашф этиши ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап ижтимоий принциплар ва нормаларни инсон шахсий ҳоҳиширодасидан устун қўйишини таъкидланмоқда, холос. Шахс амал қиладиган ижтимоий принциплар, ахлоқий нормалар баъзан ҳокимият таъсис этган қонунларга зид бўлиб қолиши мумкин. Бироқ хусусий манфаатлар билан жамият манфаатлари тўқнашувиданда устунроқ турган бундай вазиятда ҳам ижтимоий принциплар, нормалар ўз кучида қолаверади.

Ҳатто энг даҳшатли ижтимоий сиёсий шароитда ҳам шахс ўз мустақиллигини сақлаш, яъни ўзи амал қиладиган ижтимоий принципларга, ахлоқий нормаларга содиқ қолиш (агар у ҳақиқатан ҳам принцип бўлса) имкониятига эга бўлади. Бошига нене кулфатлар тушганига қарамасдан ўзи танлаган

йўлдан воз кечмаган, ўзи амал қилган принципларга содиқ қолган бобокалонларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Бобораҳим Машрабларнинг уқубатларга тўла ҳаёт йўли фикримизнинг далилидир.

Фашистлар Германиясининг концентрацион лагерларида инсондан ўзлигини, "шахсини" ампутация қилишга интиланлари барчамизга маълум. Жамиятда барча имкониятлар ўргатилган ҳайвонга ўхшаш "инсонсимонларни" яратишга (чунки бундайларни оммавий равишда бошқариш қулай бўлади) қаратилган бир пайтда ҳам шахс ўз ижтимоий принципларига содиқ қолиши мумкин. Худди шунинг учун ҳам шахс фаолиятининг асоси бўлган ижтимоий принциплар ҳокимият таъсис этган қонунларга зид келиши мумкин, лекин ахлоқ нормаларига зид бўлмаслиги даркор. Чунки айнан ана шундай принципларгина кейинчалик қайта кўриб чиқилмайди, ўзгартирилмайди.

Жамият шахснинг жамият, давлат олдидаги ахлоқий, ҳуқуқий мажбуриятлари ва масъулиятларини ҳам белгилаб беради. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз зарурки, шахснинг жамият ва давлат олдидаги масъулият ва мажбуриятлари билан бир қаторда жамият ва давлатнинг шахс олдидаги мажбуриятлари ҳам мавжуд. Улардан энг асосийлари – қонунлар ва қонунчилик актлари ёрдамига ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этишдан иборат. Жамият ва давлатнинг шахс олдидаги шу каби масъулият ва мажбуриятлари бажарилганидагина шахс ҳам ўзининг давлат ва жамият олдидаги бурчларини бажариб боради. Социологик тадқиқот натижалари ушбу икки ҳолат орасидаги ўзаро алоқадорлик борлигини яққол намоён қилмоқда. Хусусан, биз сўров ўтқарган респондентларнинг 29,47 фоизи жамият ва давлат ўзининг шахс олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб бораётганини айтган бўлсалар, уларнинг 56,95 фоизи қисман бажараётганини қайд қилдилар. Ушбу фактларни юқоридаги рақамлар билан таққосласак, фикримизнинг нақадар тўғри эканлигини амин бўламиз.

Жамиятда ўз қадрини топа олмаган, қобилиятларини намоён қилиш имконига эга бўлмаган киши ўз бурчларига ҳам жиддий муносабатда бўлмайди. Масалан, сўралганларнинг 10,11 фоизи жамият ва давлат ўзининг шахс олдидаги мажбуриятларини мутлақо бажармаётганини эътироф этдилар. Шундай фикрда бўлганларнинг аксарият қисми (респондентларнинг 6,42 фоизи) ўзларининг жамият ва давлат олдидаги бурчларини ҳам бажармайдилар. Бунинг сабаби суриштирилганида ўз бурчларини мутлақо бажармаётганларини маълум қилган респондентларнинг 57,37 фоизи "Чунки яхши одамларнинг яхши фазилатлари жамиятда қадрланаётгани йўқ" деб, 18,03 фоизи "Жамият менга ҳеч нарса бергани йўқ, мен ҳам жамиятга ҳеч нарса бераётганим йўқ" деб, 13,11 фоизи "Чунки мен жамиятга кўп нарса бердим, лекин жамият менга ҳеч нарса бераётгани йўқ" деб жавоб қилдилар.

Жамият ҳаётининг инсонпарварлаштирилиши инсон қадрини оширади, шахс ҳам ўз бурчларига муносабатини ўзгартира боради.

Бироқ инсонпарвар, демократик жамият ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши шахсни шаклланишига доир барча муаммоларни узилкесил ҳал қилади, деб бўлмайди, албатта. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ижтимоий тараққиёт шахсга нафақат ижобий, балки салбий таъсир ҳам ўтказади. Масалан, жамиятнинг бойиб бориши шахс ижтимоий қиёфасининг ижобий томонга ўзгариши учун мустаҳкам пойдевор яратади. Бироқ жамиятда бойлар ва камбағаллар орасидаги тафовутнинг кескинлашиб бориши шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, 1998 йилда /арбий Европа мамлакатларида энг бой 10 фоиз фуқароларнинг даромади энг ночор 10 фоиз фуқаролар даромадидан 812 марта ортиқ бўлди. А+Шда бу кўрсаткич 1618 га, Россияда 13,4 га тенг бўлди.(1744) Ўзбекистонда энг бой ва энг камбағал хонадонлар ўртасидаги тафовут 1995 йилда 6 баробарни ташкил қилган бўлса (91), 1998 йилга келиб 7,5 баробарга етди.(1744) Бундай тафовутнинг кескинлашиб бориши кишилар орасида молпарастлик, порахўрлик, ўғрилиқ каби иллатларнинг илдиз отишига олиб келади.

Республикаимизнинг йирик шаҳарларида (бутун дунёда бўлгани каби) асосан моддий манфаатларни қондиришга бўлган эҳтиёжларининг кучайиб бораётгани, пул илинжида яшаш, "пул яккахокимлиги", бегоналашув каби ижтимоий иллатларнинг шахс маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда фуқароларимизнинг 9,68 фоизигина маънавий эҳтиёжларини қондиришни биринчи ўринга қўядилар.

Бундай иллатларнинг вужудга кела бошлаган пайтидаёқ сезган айрим файласуфлар XIX асрда (айтайлик, Ф. Ницше) "Худо ўлди" (яъни Худога ишонч сўнди), деб таъкидлаган бўлсалар, XX асрда уларнинг бир қисми (масалан, Р. Хиггинс, Э. Фромм) "Шахс ўлди" (яъни шахс маънавий қиёфасининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шартшароит қолмади), деб уқдирдилар. Хулоса шуки, ҳар бир давр янги, ўзига хос муаммоларни вужудга келтириб турадики, боболаримиз орзу қилган гуманистик типдаги баркамол инсон шахсни шакллантириш учун уларни ўз вақтида бартараф этиш зарур бўлади. Баркамол инсонни шакллантириш ниҳоятда мушкул. Бунинг учун, бир томондан, инсон имкониятларининг барчасини ишга солиш керак бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги турли институтларнинг тарбиявиймафкуравий имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Шунингдек, баркамол инсон шахсини шакллантириш инсоннинг бутун ҳаёти давомида чўзиладиган жараёндир. Ушбу жараён инсоннинг барча биологик, ижтимоий ҳамда руҳий жиҳатларини сафарбар этишни талаб қилади.

## 1.2. Гуманистик типдаги шахс ва унинг таркиби

Боболаримиз орзу қилган баркамол инсон шахси, энг аввало, гуманистик типга мансуб шахсдир. Бошқача айтганда, баркамол инсон деганда, гуманистик типдаги шахс тушунилади. /оявиймафкуравий жараён ташкилотчилари буни ҳеч қачон унутмасликлари зарур.

Гуманистик типдаги шахснинг бошқа типдаги шахслардан асосий фарқи шундаки, унинг барча фазилатлари умуминсоний эътиқод, инсонни улуғлаш кайфияти билан суғорилгандир. Унинг ўзига хос хусусиятларини олийжаноб инсонпарварлик ғояларга садоқат, ижтимоий адолат принципларига содиқлик, ижтимоийсиёсий фаоллик ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, гуманистик типдаги шахснинг моҳияти гуманизм, яъни инсонпарварлик ғоялари, миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги билан характерланади.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, эҳтиёж ва манфаатларини ҳурмат қилиш руҳида шаклланган, умуминсоний эътиқодга содиқ шахс типинигина гуманистик типдаги шахс деймиз. Унинг таркиби қуйидаги компонентлардан таркиб топади: ақлий зукколик, ахлоқий поклик, ҳуқуқий камолот, меҳнатга ҳалол муносабат, юксак маданий савия, профессионал ифтихор, сиёсий етуқлик, миллий ва умуминсоний ғурур.

Гуманистик типдаги шахснинг таркибида ақлий зукколик алоҳида аҳамият касб этади. Ақлий зукколик – шахснинг табиат ва жамиятда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисаларни кузатиш, унинг моҳиятини илғаб олиш, сабабларини тушуниш, оқибатларини олдиндан кўра билиш, бундан тўғри хулоса чиқариш қобилиятининг, шунингдек фаҳмфаросати, зеҳни, зийраклиги каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Унинг асосий компонентларини билим, фикр юритиш қобилияти, ақл мустақиллиги, ижодкорлик ташкил этади. Ушбу компонентларнинг барчаси юксак даражаси шаклланганидагина ақлий зукколикни вужудга келтиради.

Воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш, улардаги сабабоқибат диалектикасини аниқлаш, ривожланиш тенденциялари ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало, маълум билимлар ҳажмига эга бўлмоқ зарур. Бироқ билимлар ақлий зукколикнинг муҳим элементи бўлсада, ақлнинг ривожланганлигидан далолат бермайди. Шахс фикр юритиш қобилиятига эга бўлганидагина билимлар самарали қўлланила бошлайди. Фикр юритиш қобилияти эса билиш назариясининг анализ, синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, аргумент келтириш каби усуллари билан маҳорат билан фойдаланишда намоён бўлади.

Ақлий зукколикни асосини мустақил фикрлаш ташкил этади. Мустақил фикрлаш ақлий камолот пойдеворидир. У воқеаларни турли нуқтаи назардан ўрганиш, фактларга нисбатан ҳалол муносабатда бўлиш, жараёнлар моҳиятини илғаб олиш имконини беради. Ақлан зукко шахс нафақат воқеалар моҳиятини ҳар томонлама ўрганишга, балки улардан янги билимлар олишга интилади. Бу эса ақлнинг ижодий йўналганлигидан далолат беради.

Ақлий зукколик даражасини кўрсатувчи энг муҳим мезон – интеллектуал фаолликдир. Интеллектуал фаоллик шахс ижтимоий фаолиятининг муҳим шакли бўлиб, инсон фаоллиги даражасини ифодалайди. Унинг шарофати билан шахс юз бераётган воқеа ва жараёнларнинг моҳиятини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондиради, борлиқнинг турли шакллари, улар орасидаги ўзаро алоқадорликни билиб боради.

Ахлоқий поклик ҳам гуманистик типдаги шахс структурасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шахс ижтимоий ҳаёт маҳсули экан, унинг ахлоқий фазилатларини жамиятдаги шартшароитлар шакллантиради. Мазкур шартшароитлар қанчалик адолатли бўлса, шахс ахлоқи ҳам шунчалик юқори бўлади. Ҳалоллик, камтарлик, содиқлик, меҳрибонлик каби фазилатлар ахлоқан етук шахснинг моҳиятини ташкил этади.

Ҳалоллик – ахлоқий поклининг негизи бўлиб, шахснинг поклиги, виждонлилиги, тўғрисиўзлиги даражасини билдиради. Ушбу компонент энг асосий ахлоқий фазилатни ифодаласада, уни шакллантириш бошқа фазилатларига кўра мураккаброкдир. Ҳалоллик – жамиятда ахлоқий принципларни, нормаларни тараққий этганлиги одамлар турмуш тарзидан муносиб ўрин эгаллаганлигининг даражасига боғлиқ. Жамият имкон берган даражадагина ҳалол бўлиш мумкин, мутлақ ҳалол бўлишнинг, назаримизда, иложи йўқ. Фақат инсонпарвар, демократик жамиятдагина юксак даражада ҳалол бўлиш (лекин мутлақ эмас) имконини берадиган ижтимоий шартшароитлар юзага келади.

Ахлоқий покликнинг яна бир компоненти камтарликдир. Камтарлик – ўзи эришган муваффақиятларни бошқаларникидан устун қўймаслик, уларга ҳаддан зиёд эътиборни қаратмасликдан иборат. Бироқ, чуқурроқ ўйлаб қарасак, гап эришилган ютуқлар ҳақида гапирмаслик хусусида эмас, уларни кўзкўз қилмаслик, ўзини "буюклаштириб" юбормаслик тўғрисида бормоқда. Ўзини онгли равишда барча ишлардан четга олиб қочган, ўз позициясини атайлаб билдирмаган кишини камтар деб бўлмайди, бундайларни принципсиз дейиш мақсадга мувофиқдир. Гуманистик типдаги шахс биз тилга олган иллатлардан холи, том маънода камтарлик фазилатига эга бўлмоғи лозим.

Ахлоқий покликнинг таркибий элементларидан бири содиқликдир. Содиқлик – шахс амал қиладиган ахлоқий принципларнинг, турли кишилар ва воқеаларга муносабатнинг барқарорлигини англатади. Бундай хусусият юксак даражада ривожланган шахслар ҳатто ўлим хавфи туғилганида ҳам ўз принциплари, қарашларига қарши бормайдилар, ҳамфикрларидан воз кечмайдилар, қарамақарши позицияга ўтиб кетмайдилар. Шу боисдан содиқлик шахсда ахлоқий принципларининг ривожланганлиги, мустаҳкамлиги даражасини ҳам кўрсатади.

Меҳрибонлик эса ўзгаларга яхшилик қилишдан иборат. Шу сабабли у ҳалоллик ва камтарлик билан боғлиқ. Чунки виждонан пок, ўзини улуғлаш касалидан холи, ўзи амал қиладиган принципларга содиқ кишигина бошқаларга яхшилик қилишга, меҳрибон бўлишга қодир. Бироқ ортидан миннатни эргаштирган яхшиликни меҳрибонлик деб бўлмайди.

Биз ўрганаётган шахс типининг таркибида ҳуқуқий камолот ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўз ҳуқуқий мақомини чуқур англаб етган, жамиятда мавжуд ҳуқуқий билимларни ўзлаштирган, инсон ҳақҳуқуқларига ахлоқ нуқтаиназаридан баҳо бера оладиган, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсни ҳуқуқий етук шахс деймиз. Ҳуқуқий камолот ўз ҳуқуқий мақомини билиб олишдан бошланади. Шахс ҳуқуқий мақоми – унинг жамиятда эгаллаб турган ўрнини қонунлар ёрдамида ифодалашдан иборат. Шунингдек, фуқароларга ўз ижодий кучлари, қобилиятлари ва истеъдодларини эркин намоён қилиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, жамият ва давлат ҳаётига фаол иштирок этиш имконини берувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ҳам шахс ҳуқуқий мақомини белгилайди. Кўриниб турибдики, жамиятдаги барча ҳуқуқий нормалар гармоник гуманистик руҳда тарбияланган шахсни вужудга келтиришга хизмат қилмоғи даркор.

Шахс ҳуқуқий мақомининг асосий мазмунини инсоннинг ҳақ ҳуқуқлари ва жамият, давлат олдидаги мажбуриятлари ташкил этади. Шахснинг жамиятдаги ўрни унинг ҳуқуқлари орқали ифодаланади. Шахс ҳуқуқлари – шахснинг жамиятдаги моддий ва маънавий қадриятлардан, эркинликлардан фойдаланиши учун зарур бўлган имкониятлардирки, улар қонунларда ўз ифодасини топади. Шахс ўз ҳуқуқларинигина эмас, жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларини ҳам яхши билмоғи даркор. Фақат ҳуқуқларини билиш жамиятда шахснинг тутган ўрни ҳақидаги нотўғри тасаввурларнинг вужудга келишига олиб келади. Фақат мажбуриятларни билиш эса шахснинг фуқаро сифатидаги фаоллигини сўндиради. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг уйғунлигини таъминлаш жамият ҳаётидаги ижтимоийсиёсий, иқтисодий ва маданий муаммоларни бартараф этиш, шунинг билан шахснинг ривожланиши учун замин яратиш имконини беради.

Ҳуқуқий камолотнинг муҳим компоненти ҳуқуқий билимлардир. Бунда нафақат шахснинг ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги билимлари, балки умуман ҳуқуқнинг моҳияти, давлатнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тараққиётдаги ўрнига доир билимлари ҳақида гап бормоқда. Шахс ўз ҳуқуқларининг моҳиятини билмас экан, давлатнинг жамият тараққиётини таъминлайдиган, фуқаролар ҳақҳуқуқларини кафолатлайдиган қудратли институт эканлигини тушуниб етмас экан, ҳуқуқий камолат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ ҳуқуқий камолот таркиби ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши билан чекланиб қолмайди. Ҳақиқатан баркамол шахс нафақат жамиятда мавжуд ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиши, балки уларни баҳолай олиши ҳам зарур. Шу боисдан ҳуқуқий баҳолаш ҳуқуқий камолотнинг муҳим компонентлари сарасига киради.

Гуманистик типдаги шахс таркибида меҳнатга ҳалол муносабат алоҳида ўрин тутади, чунки меҳнат – инсон фаолиятининг асосий соҳаси, ҳаётининг моҳиятидир. Меҳнат жараёни шахснинг ривожланиши учун замин тайёрлайди. Меҳнат қайси соҳада кечмасин, қандай мулкчилик шаклига асосланган корхонада амалга оширилмасин, шахс қобилиятлари, иродаси ва характерининг шаклланишига олиб келади. Инсонпарвар, демократик жамият шароитида эса меҳнат шахснинг ҳар томонлама ривожланишига шартшароит яратади.

Касбий маҳорат шахс ижтимоий қиёфасида ҳам, жамият ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унинг етишмаслиги нафақат ахлоқий, балки ижтимоийиқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, А+Шда ҳар 10 корхонанинг 6 таси 23 фоиз ҳолатда касбий маҳоратнинг етишмаслиги туфайли омадсизликка учрайди.(2521)

Гуманистик типдаги шахсни характерловчи муҳим фазилатлардан яна бири маданий савиядир. Маданий савия инсон баркамоллигини ифодаловчи муҳим характеристика бўлиб, унинг цивилизациялашганлиги даражаси, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг қанчалик ўзлаштирганлигининг ҳолатини ифодалайди. Инсоннинг онглилиги, билимдонлиги унинг маданиятлигидан далолат беради. Шунингдек, маданий савия инсоннинг маиший, хулқатвор, хаттиҳаракат маданияти, моддий ва маънавий бойликлардан оқилона фойдалана билиш қобилияти, белгиланган тартибинтизомларга риоя қилиш, кийиниши, овқатланиши, бўш вақтдан фойдаланиш малакаларини ўзида камраб олади. Унинг энг муҳим кўрсаткичи интеллектуал фаолликдир.

Албатта, биз тилга олган компонентлар шахс таркибида алоҳидаалоҳида тарзда эмас, комплекс ҳолда мавжуд ва улар орасида маълум чегара ўрнатиб

бўлмайди. Биз гуманистик типдаги шахс таркиби хусусида аниқ тасаввурга эга бўлиш учунгина билиш назарияси усуллари ва услубларига асосланиб, уларни алоҳида тарзда ўрганиб чиқдик.

Юқорида тилга олинган ижтимоий фазилатлар юксак даражада шаклланидагина шахс фаол ҳаётӣ позицияга эга бўлади. Фаол ҳаётӣ позиция – ижтимоӣ, фуқаровӣ бурч ва ахлоқӣ масъулият йиғиндисидир. Мазкур тушунча унинг ижтимоӣ ва шахсий манфаатларини қондириш, ижтимоӣ ва шахсий турмуш шароитларини инсонпарварлик идеалларга мувофиқ такомиллаштириш борасидаги саъйҳаракатларини ҳам англатади. Шахс ижтимоӣ вазифаларни, жамият талабларини тушуниб олиб, уларни ўз эътиқодига, фаолиятининг нормаларига айлантирганидагина фаол ижтимоӣ позиция шакллана бошлайди. Унга эга шахс ўз мамлакати моддий ва маънавий бойликларини оширишга, юрт фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шахс фаол ҳаётӣ позициясининг шаклланиши жараёни турли даражаларда намоён бўлади. Унинг юқори даражаси ижтимоӣ тузум, турмуш тарзи билан боғлиқ. Гуманистик типдаги шахсининг ижтимоӣ аҳамиятга эга фазилатлари ҳам асосан шу даражада шаклланади. Мазкур жараённинг иккинчи даражаси эса шахсни бевосита ўраб турган ижтимоӣ муҳитдан (меҳнат жамоаси, жамоа ташкилотлари, оила ва шу қабилар) иборат. Ниҳоят, учинчи даражани шахсининг маънавий дунёси – эҳтиёжлари, манфаатлари ва қадриятлари системаси ташкил этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, гуманистик типдаги шахс умуминсонӣ эътиқодга эга, инсонни улуғлаш руҳида тарбияланган шахс бўлиб, ниҳоятда мураккаб таркибга эга. Унинг таркибида ақлий зукколик, ахлоқӣ поклик, ҳуқуқӣ камолот, меҳнатга ҳалол муносабат, маданий савиянинг алоҳида ўрни бор. Ушбу фазилатлар юқори даражада шаклланидагина шахс фаол ҳаётӣ позицияси эга бўлади.

## Инсон қадри ва Шахс масъулияти

Инсон ва маймун орасида қандай фарқ бор? Марксизм асосчилари тахминий мулоҳазаларга таяниб, маймунни бевосита инсонга аждод қилиб кўрсатдилар<sup>1</sup>. Бу фараз на мантикий, на илмий-амалий ишончли далиллар топмади. Аммо шундай бўлса ҳам биз Аллоҳнинг бу икки маҳлуқи орасида муайян нисбат бор деб ўйлаймиз. Маймун Аллоҳнинг халифаси бўлмиш Инсонга ибрат учун яратилган. Дарҳақиқат, улар - ўхшаш. Қўл, оёқ, бош... Йирик маймунлар жуссаси ҳам, икки оёғда юра олиши ҳам инсонга монанд. Фақат маймун ҳар қандай ҳайвонот дунёсининг вакили каби инстинктга бўйсуниб, ўйсиз яшайди. Мен бу дунёга нима вазифа билан келдим, деб ўзига-ўзи савол бермайди. Унда ор-номус, ҳаё-андиша, имон-диёнат йўқ. Бу нарсаларни ҳеч ким маймундан кутмайди ҳам. Халқимиз тақлидчини бежиз маймунга ўхшатмайди. Чунки ҳар бир Инсон ўз мустақил тафаккури, маънавияти, имони ва иродаси билан, яратувчилиги ва масъулияти билан Шахсдир. Эчкида соқол бўлгани ёки тўти гапиргани билан инсон бўлиб қолмайди.

Ҳар бир Инсон зотида "билқувва" (яъни потенция даражасида) маънавий камолот имкони бор. Аслида **Инсон**, бизнинг мавзу нуқтаи назаридан, **маънавий камолот имкониятига эга бўлган моддий мавжудотдир**<sup>2</sup>. Инсоннинг ижтимоий мавжудот эканлиги ҳам унинг маънавий камолот имконига эга эканлигидан келиб чиқади. Бу –умуман инсон моҳияти.

**Шахс – ўз маънавий камолот имкониятларини юзага чиқара бошлаган инсон.** Бу ҳодиса – ўзликни англаш деб айтилади. Демак, Шахс – ўзлигини англай бошлаган инсон, дейиш ҳам мумкин.

Ҳуқуқшунослар тилида “жисмоний шахс” ва “ҳуқуқий (юридик) шахс” тушунчалари мавжуд. Худди шунга монанд маънавият нуқтаи назаридан ҳам шахс тушунчаси икки ҳолатни кўзда тутаети. Биринчиси, биз ҳар бир инсонга шахс сифатида ёндошувимиз зарурати. Чунки ҳар бир инсоннинг шахс бўлиш имконияти бор. Бу имконият унга яралишдан Халлоқи олам томонидан берилган. Шундан келиб чиқиб, биз ҳар бир инсонга Шахс деб қарашимиз жоиз, зоҳирий кўз билан боқиб, ундан хатолар излашимиз, унда маънавий ноқислик кўришимиз Инсон одобига, маънавият талабларига

---

<sup>1</sup> Физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла Аъзамовнинг ёзишига кўра, ўз вақтида Чарльз Дарвиндан сизнинг назариянгиз тарғиботчилари одамнинг маймундан пайдо бўлганини даъво қилишмоқда, сиз бунга нима дейсиз деб сўрашганда, олим менда бу хусусда етарли илмий далиллар йўқ, деб жавоб берган экан. Аслида бу ғоя Дарвин асарларида эмас, Ф. Энгельснинг “Маймуннинг инсонга айланишида меҳнатнинг роли” асарида олға сурилган.

<sup>2</sup> Борлиқдаги мавжудотлар **моддий ёки ғайримоддий** (масалан, фаришталар) бўлиши мумкин. **Моддий мавжудотнинг** ўзига хослиги у **макон ва замон кесишувида муайян ўрин эгаллаши** билан белгиланади.

хилофдир. Баъзан дилидаги яширин хазинани неча йиллар Инсон ўзи билмайди, унга ташқаридан кўз ташлаб, биз қайдан биламиз.

Биз олдинги бобларда **қадр** тимсол-тушунчасининг **маънавият, иқтисод** ва **сиёсат** соҳаларида аксланиши ҳақида умумий бир тарзда гапириб ўтдик. Ҳаётда ҳар бир инсон ўз қадрини умумий бир тарзда эмас, муайян ва аниқ ўлчовларда англаб етмоғи керак. Ҳақиқий Шахс даражасига етишган инсон ўз қадрини, шу билан бирга ёруғ оламдаги барча ашё ва мавжудотлар қадрини муайян даражада англаб етган, шу асосда жамиятнинг фаол аъзосига айланган инсон бўлади. Аммо инсоннинг фазилатларига қараб (имон-этиқоди, илми, амалий кўникмалари, ахлоқий сифатлари ва ҳоказоларга кўра) қадрланиши ўз-ўзидан моддий эмас, маънавий кўринишда бўлади. Моддий қадрланиш эса илмнинг амалга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Инсон ўз имкониятларини амалга татбиқ этишдан аввал ўз қадрини илм босқичида англаб етиши лозим. Бу билим амалий фаолиятда икки шартга риоя этишни тақозо этади. **Биринчи шарт** - инсон ўз қадрига номуносиб ишни ўзига раво кўрмаслиги керак, яъни ўз илм савияси, имони, жамиятдаги мавқеига номувофиқ амални содир этмаслиги керак. **Иккинчиси** - инсон ҳеч ким билан ўз **қадрига нолойиқ** шароитларга рози бўлиб битим тузмаслиги керак, кенгроқ маънода олганда, ўзганинг унга нисбатан нолойиқ хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслиги лозим.

Инсон ўзи ва ўзга қадрини таққослаб ўзаро муомалаларга киришганда, маънавиятдан сиёсатга ўтилади. Инсон ўз моддий табиатини ҳам ҳисобга олиб, ўзгалар билан муносабатга киришувида иқтисодий муносабатлар юзага келади. Аммо, билиб қўйиш керакки, инсон иқтисодий, сиёсий ва маънавий майдонда доимо бир хил қадр топа бермайди. Инсон маънавий камолотини белгиловчи омиллардан бири унинг ушбу уч йўналишда ўз қадрини уйғун сақлай билиши билан ҳам белгиланади. Маънавий камолотни фақат маънавият йўналишда ўз қадрини юксалтира билиш деб тасаввур этиш - бир ёқламаликдир.

Борлиқ ўзи **вахдат**ни (ягоналик, яхлитликни) тақозо этади. Бу ягоналикда энг ибтидоий маконда силжиш ҳаракатидан энг олий маърифат йўлларигача бир пайтнинг ўзида мавжуд. Фақат инсоний мантиқнинг муайян даражада чекли эканлиги боис, биз тасаввур этган замон ва маконда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ҳар бир ҳолати камолотнинг муайян босқичи доирасида тасаввур қилинади.

Аллоҳнинг барча китобларида укдирилган, аجدодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Борлиқ ҳақиқати Тавҳид ҳақиқатидир. "Тавҳид" сўзининг маъноси Борлиқнинг ягоналиги ва яхлитлигини, яъни миллий маънавиятимиз талқинига кўра, дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка

оид нарс ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлигини англаб етиш ва тан олишдир. Борлиқнинг бу хусусияти аждодларимиз меросида "вахдатда касрат, касратда вахдат" (бирликда кўплик, кўпликда бирлик) жумласида ифодаланган. Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти шундаки, **Борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли Борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун Борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Бу умумжаҳоний қонуният аро Инсон зотиға алоҳида имтиёз ато этилган - унинг иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган. Демак, онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул.**

Маънавият шу сабабли ҳам аввало масъулиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз мавқеи ва мақомидан келиб чиқиб, доимо бир нарсани бизга - юртдошларига таъкидлашдан чарчамайди. Ҳар бир инсон *"ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётӣ-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараи ва мустаҳкам ирода"*<sup>3</sup>га, яъни бир сўз билан айтсак, мустақил маънавиятига эга бўлмоғи керак.

Маънавият инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топади. Унинг яшаш тарзи, қилган ишлари, яратган асари, меҳнатининг натижалари атроф-воқеликка муносабати - барча-барчаси инсон маънавиятининг кўзгусидир. Олимнинг кашфиёти, шоирнинг шеъри, бастакорнинг музикаси маънавий дунё даракчиларидир. Аммо дид бўлмаса, идрок ва билим етишмаса, уларни сезиб олиш, англаб етиш мушкул. Демак, ўзганинг маънавий камолот даражасини ҳис қилиш учун ўзингда ҳам етарли савия, баркамоллик бўлмоғи зарур.

## **2.1. Ирсият, руҳият, маънавият. Инсон табиатининг ўзига хос хусусиятлари**

Мустақил шахс - маънавий камолотнинг муайян даражасига етишган инсондир. Маънавий камолотнинг чегараси йўқ. Шу сабабли унинг муайян даражаси деганда нимани тушунмоқ керак? Бу йўналишда бирор аниқликка эришиш учун суҳбатни инсон табиати ва унга маънавиятнинг нисбати мавзусидан бошламоқ мақбул кўринади.

Гўдакликдан ўсмирликка ўтишда инсон руҳининг мустақил "мен"лиги шаклланади экан, унда ўз моддий мавжудлигига нисбатан масъулият ҳисси

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Асарлар. 7-жилд, с. 86.

пайдо бўлади. Шу даврда у изланади, "Мен кимман?" деган савол уни қийнайди. Бу саволга инсоният тарихида турли жавоблар мавжуд. Масалан, даҳрий-материалист айтади: "Сен бошқа барча жонзотлар янглиғ биологик мавжудотсан, еб-ичиб, уйланиб, ўзингдан зурриёт қолдириб, бу дунёдан тугал ўтиб кетасан, Шу сабаб - дунёдан оладиганингни олиб қол, бахт - оний лаззатдадир". Марксист айтади: "Сен ёки пролетариатсан - дунёдаги барча ўзинг сингари йўқсиллар билан бирлашиб, хусусий мулкка қарши аёвсиз кураш олиб борсанг - авлодларинг коммунизмда яшайди ёки сен буржуа синфи вакилисан, феодал сингари, кулдор сингари тарихан ўткинчисан, агар ихтиёрий равишда ўзлигингдан кечмасанг, аёвсиз синфий курашда йўқ қилинасан." Динни зоҳирий талқин этувчи айтади: "Сен Аллоҳнинг бир ожиз бандасисан, Яратгандан кўрқ, унга ибодат қил, жаннатга тушасан." Бошқа турли талқинлар ҳам кўп. Умумлаштириб айтсак, бу борада ҳар бир инсоннинг ўз қараши бор дейиш ҳам мумкин.

Тавҳид имони асосида шаклланган миллий маънавиятимиз учун аёвсиз "қарама-қаршилик" ва улар орасидаги "муросасиз кураш" тушунчалари моҳиятан ётдир. Жумладан, шахс ва жамият, миллат ва башарият манфаатлари биз учун ўзаро зид эмас, балки уйғун ва моҳиятига кўра бир-бирига мувофиқ бўлиб, уларни зидлаштириш қандайдир ёвуз кучларнинг қабих найранглари эмас, балки кўпроқ ҳодисаларни фақат ташқаридан, юзаки бир тарзда кўриб, улар моҳиятидаги ўзаро туташликни пайқамай шошқалоқ ҳулосалар чиқариш натижасидир. Асли воқелик, Моний тасаввур қилганидек, эзгулик ва ёвузликнинг мутлақ кураши асосига қурилган эмас, биз дуч келган зиддиятларнинг аксарияти эса, агар чуқурроқ таҳлил этилса, ягона Аллоҳ ҳақиқатини инсонлар ноқис тушунганлиги, охиригача мулоҳаза юритишга тобу тоқати етмаслиги, жиддий риёзат чекишга бўйни ёр бермай, муаммоларни енгил-елпи зоҳирий ҳал қилиб ўтиб кетишга мойиллиги туфайли юзага келиши маълум бўлади.

Инсоннинг яралиши ҳақида, унинг табиатидаги азалий мураккабликни изоҳлаб, Алишер Навоий ёзади:

*... Ўйлаким душман яротиб ўтқа сув,*

*Елни ҳам туфроққа айлаб адув.*

*Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,*

*Бўлуб инсон хилқатида муттаҳид...*<sup>4</sup>

---

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991 с.19 (Насрий баён муаллифи Ш. Шарипов).

(**Мазмуни:** Ўйлаб қара, Халлоқи олам сувни оловга душман қилиб яратди, шамолни ҳам тупроққа ёв қилди, аммо яратувчининг қудратини кўргилки, ана шу бир бирига зид тўрт унсур инсон вужудида бир бутун бўлиб бирлашди.)

Бу ерда моддий дунёнинг, табиатнинг тўрт асосий тўрт унсури (элементи), уларнинг бир-бирига зидлиги ва инсон жисми ушбу кўпқутбли зиддият ҳолатидаги унсурларнинг ўзаро уйғунлашуvidан вужудга келгани ҳақида таъкидланиши бежиз эмас.

“Зубдат ул- ҳақойиқ” рисоласида Азизуддин Насафий шу ҳақиқатни илмий тил билан баён қилган. У ўзидан олдин ўтган алломалар фикрини умумлаштириб, инсон мизожини белгиловчи тўрт моддани табиатнинг тўрт унсури билан мувофиқлиги ҳақида ёзади. Унинг фикрича ўт (савдо) - тупроқ мизожига, балғам - сув мизожига, қон - ҳаво мизожига ва сафро - олов мизожига мувофиқ келади. Маълумки, инсон озиқланади ва озуқа унинг танасига ҳазм бўлиб, инсон жисман ўсади. Ўсиш хусусияти туфайли инсон жонсиз табиат, яъни маъданлардан фарқ қилади. Ана шу ўсишни бошқарувчи механизмни “Зубдат ул- ҳақойиқ” муаллифи **ўсимлик руҳи** деб атайди. Ўсимлик руҳи жонли табиатдаги турли кўкатлар, дарахтлар ва инсон учун умумийдир. Дарахтлар ўсади, аммо мустақил равишда ўз маконини тез ўзгартира олмайди, бошқа жонзотлар билан фаол мулоқотга кирмайди. Бу хусусиятлар энди ҳайвонга хос бўлиб, шу сабабли инсондаги сезгиларни - кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид ажратиш, бадани билан сезиш хусусиятлари **ҳайвон руҳига** оид ҳисобланади. Сезги органлари ҳайвон руҳини кўзғотади. У туфайли инсонда манфаатдорлик ва ҳузурланишга интилиш, зарар ва хатарга қарши кўзғалиш пайдо бўлади. Насафий улардан биринчисини ҳирс (нафс), иккинчисини ғазаб қуввати деб атайди.<sup>5</sup> Булар ҳайвонларнинг ҳаёт фаолиятида етакчи ўрин эгалловчи ҳислатлардир. Бугунги кун Европа фани уларни инстинкт деб атайди. Демак, шахсий фойдани ва зарарни билиб, биринчисига табиий интилиш ва иккинчисига қаршилиқ кўрсатиш ҳали инсонликдан дарак эмас, балки инсоннинг ҳайвонлар билан умумий томони экан.

Насафий мулоҳазаларини кузатишда давом этамиз. Ҳайвон руҳи фақат атроф-воқеликдаги аниқ (конкрет) нарсаларни идрок этади, уларнинг ўзига кўриниб турган фойда-зарарини англайди. **Инсон руҳи** эса моддий муайян нарсаларни ҳам, улар ортидаги умумийликни ҳам англаб ета олади. Ушбу хусусияти туфайли у имон, эътиқод эгаси бўла олади, иродасини эркин идора эта олади, онгли равишда риёзат чекишга қодир, Борлиқ моҳиятини англаб етишга, яъни маърифатга ва меҳрга қодир. Инсонда тақводор бўлиш,

---

<sup>5</sup> Азизиддин Насафий. Зубдатул ҳақойиқ. Т.-“Камалак”-1995, с. 36.

нарсалар моҳиятини англаб етувчи олим бўлиш, ориф ва ҳатто валий даражасига етиб каромат кўрсатиш имкони ҳам мавжуддир. Ҳақ таоло набий ва расул (пайғамбар)ларни инсон зотидан танлади, уларни илоҳий ҳақиқатга дохил бўлиш даражасигача мушарраф этди.

Инсон аталган мавжудот учун ирсият белгиси ҳам бегона эмас. Унинг руҳияти икки асосда шаклланади. Бири - ирсият ва иккинчиси ижтимоий таъсир ва тарбия. Европа илмида ирсият фани бугунги кунда юксак ривожланиш нуқтасига кўтарилган, шу сабабли биз бу соҳага кўп ҳам дахл қилмаганимиз маъқул. Аммо миллий маънавиятимизга оид бир ҳикмат борки, уни эслаб ўтмасак, маънавият ҳақида мулоҳазаларимиз мукаммал бўлмайди. “Ҳаромдан ҳазар” дейди халқимиз. Ҳар бир инсон бу синов дунёсида ҳалолга интилиб, ҳаромдан четланиб яшашга уринмоғи лозим. Бу маънавият қондасининг ирсиятга икки жиҳатдан бевосита алоқаси бор.

Биринчиси шуки, эр киши аҳли оиласини, фарзандларини ҳалол касб билан едириб-ичираяптими, ёки ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмасликка ўргатаяптими? Ҳаромдан бўлган ҳар нарса ҳаромга тортади. Инсоннинг хулқиға ҳаром аралашса, унда ҳаром ишларға мойиллик уйғонади. Демак, фарзандини ҳалол ризқ билан боқмаган киши унинг маънавий камолини ҳам ҳатар остиға кўяди. Ирсият бузилади.

Мусулмонлар учун бир қатор моддий ва ғайри моддий тақиқлар мавжуд, яъни уларға баъзи таом, ичимлик, гап-сўз, ҳатти-ҳаракатлар ҳаром қилинган. Қуръонда аниқ айтилган истеъмол учун ҳаром ҳисобланувчи нарсалар шахс маънавиятиға ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади. Масалан, маст қилувчи ичимликлар инсон маънавиятиға ҳам бевосита уларни ичган пайтнинг ўзида салбий таъсир ўтказиб, турли ғайри ахлоқий оқибатларға олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ва энг хавфлиси, келажакда ичувчининг фарзандлари ирсиятида жиддий қусурлар шаклланишиға сабаб бўлиб, зурриётини бахтиқаро этиши, жамиятнинг маънавий ҳаётиға ҳам зарар келтириши мумкин.

Биз ичкилик, тўнғиз гўшти сингари таомлардан ўзини тиймаганларни қоралаймиз. Аммо баъзан мусулмонлик даъво қилган ҳолда Аллоҳ китобида рўйи рост тақиқ этилган кўп ҳатти-ҳаракатлардан ўзимизни тиймаймиз. Жумладан, ёлғон сўзлаш, ғийбат, тухмат, ўзға ҳаққиға хиёнат, тамаъгирлик, кибру ҳаво, турли маънавий бузилишлар исломда ва миллий маънавиятимиз анъанасида кескин қораланиб келинишиға қарамай, кечаги кунимизда, очиғи, одатий кўникмаларға айланиб қолаётган эди ва бугун ҳам улардан батамом фориғ бўла олганимиз йўқ. Энг ачинарлиси, биз уларға шунчалик кўникиб қолганмиз-ки, ўзимиз қилмаган тақдирда ҳам ўзгалар қилмишиға муроса билан қараймиз. Асли биз бепарво қарайдиган бундай иллатлардан сақланиш ҳар бир инсон учун маънавий нуқтаи назардан баъзи моддий тақиқлардан

муҳимроқдир (ўз вақтида Исо алайҳиссалом ҳам буни таъкид этган эдилар). Айниқса, порахўрлик ва зинокорлик энг хавфли ва ашаддий фасод бўлиб, инсон маънавиятини буткул хароб этувчи омиллардандир. Баъзилар қонунга чап бера олса, кўнгли хотиржам бўлади. Аммо фосиқ киши ўз қилмишларини Ҳақдан ва халқдан яшира оладими?

Иккинчи жиддий муаммо никоҳнинг муқаддаслиги масаласига доир. Маълумки, исломда зино, яъни эркак-аёлнинг никоҳсиз қўшиливи энг оғир гуноҳлардан (гуноҳи кабиралардан) ҳисобланади. Бунинг сабаби, эркак ва аёл табиатидаги зотий фарқлар билан изоҳланади. Ҳаётда эр киши табиатан эркинроқ яратилган. Шу сабабли унинг маънавий масъулияти ҳам жиддийроқ. Эркак ва аёлнинг бирга яшашга аҳдлашуви, кўпчилик халқлар одатига кўра, жумладан, исломда ҳам гувоҳлар иштирокида Аллоҳнинг номи билан расмийлаштирилади ва тўй бериб элга овоза қилинади. Чунки расмий никоҳсиз дунёга келган бола кўпинча жамиятда ўз муносиб ўрнини топмайди, ўзини маънавий камситилган ҳис қилади. Бу номукаммаллик туйғуси унинг хотирида жамиятга зид иш тутиш тамойилини пайдо қилиши мумкин. Бадий адабиётда ҳам бунга талай мисоллар мавжуд. Агар бундай шахслар кўпайса, жамият ҳаёти издан чиқиш хавфи туғилади. Шу сабабли ҳар бир инсон келгуси авлодлар ҳаққи ўз ҳаётини аввалбошдан тўғри изга солишни режалаштирмоғи ва бу йўлда масъулият билан иш тутмоғи лозим. Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида никоҳ масаласига муносабат ўзгариб бормоқда. Инсоннинг жисмоний ва маънавий балоғати орасидаги нисбат билан боғлиқ бу муаммони аҳли башар жиддий ўйлаб кўрмоғи жоиздир.

Аллоҳ инсонни ўзининг эрка бандаси, халифаси - яъни бу дунёдаги ўринбосари қилиб яратган экан, унга жуда кўп иноятлар ато этган. Масалан, ирода эркинлиги. Инсон ҳайвонликка қараб юрадими ёки олий маънавият сари интиладими - ўзи танлаб олади, биров уни мажбур қилмайди.

Иккинчи бир имконият - илм, дунёни билиш қобилияти. “Қисаси Рабғузий”да баён қилинишича, одам яралишида фаришталар Азозилнинг сўзига кириб, Одамни ғийбат қиладилар. Шунда Оллоҳ таоло Одамга “Асмо”илмини ўргатиб, сўнг фаришталарга қатор нарсаларни кўрсатади ва “ушбу нарсаларни отини билсангиз айтинг”, деб мурожаат қилади. Фаришталар, “биз буларни билмаймиз”, деб ожиз қоладилар. Шунда Одамга буйруқ бўлади, у кўрсатилган нарсаларни бирма-бир “бу тош, бу сув, бу дарахт” деб дона-дона айтиб беради. Аллома юртдошимиз ёзади: “Хитоб келди: “Эй фаришталар, сизларга айтмадимму ман билганни сизлар билмассиз деб. Эмди сизга маълум бўлдиким, Одам олим турур, сиз обидсиз. Менинг ҳазратимда минг обиддан бир олим фозилроқ турур. Қайда обид эрса, олимга хизмат қилмоқ керак. Ул махдум бўлсун, сизлар ходим бўлунг.

Ул масжид бўлсин, сизлар сожид бўлунг. Одамга сажда қилинг”<sup>6</sup>. Шундай қилиб Рабғузий Қуръони карим оятларига таянган ҳолда, инсоннинг улуғлиги унинг дунёни билиш қобилиятида, илмида деб хулоса қилади.

Аллоҳнинг яна бир инояти - инсон руҳининг бақога дахлдорлигидир. Барча жонзот ўлгач, тупроққа қоришиб кетади. Инсон танаси ҳам шу жумладан. Аммо инсон руҳи абадиятга дахлдор. Чунки инсонда яратувчилик қобилияти бор. У моддий ва маънавий бойликлар яратади. Шу билан ўзини абадиятга дахлдор этади. Инсон ўзининг жисмоний ўлимини билади. Баъзи калтафаҳм моддийончилар унинг жисмоний ўлимини руҳият учун ҳам сўнгги нукта деб тушунадилар. Ваҳоланки, ушбу талқин инсонни ҳайвон билан тенглаштирувчи, уни алоҳида моҳият сифатида инкор қилувчи бадбин ёндошувдир. Инсон маънавияти физиологик эҳтиёжлар даражасидаги нарса эмас. Инсон ўз жисмоний ўлимини, бу имтиҳон дунёсига фақат бир марта келишини билиш баробарида, руҳнинг абадиятга дахлдор эканини ҳам ҳис қилар экан, унда маънавий камолот истаги пайдо бўлади. Ана шу имкон, яъни алоҳида шахснинг маънавий камолот имкони инсон учун Аллоҳнинг энг улуғ иноятидир. Ушбу имкон туфайли инсоният ўзгача бир эзгу олам - **маънавият олами**га дахлдор бўлади ва унинг руҳи мангулик касб этади.

Тавҳид моҳиятини англаб етган инсон қалбида улуғ бир туйғу - **меҳр туйғуси** уйғонади ва унинг бутун борлигини чулғаб олади. Меҳр туйғуси санаб ўтилган уч буюк имконни ўзаро уйғунликда бирлаштириб, инсон кўнглини, Навоий ибораси билан айтганда, “**ҳақиқат асрорининг ганжинаси**” га айлантиради. Зеро, бу уйғунликсиз **маънавият олами** зухур этмайди.

## **2.2. Одоб, ахлоқ, маънавият. Маънавий тарбия восита ва усуллари поғонадорлиги**

Биз болага одоб ўргатамиз. “Қани амакингга бир салом бергин”, деймиз. Одоб маънавиятимизнинг либосидир. Баъзи ҳолатларда либосга каттик эътибор берилади. Масалан, дипломатия одобининг ўз қонун-қоидалари бор. Баъзан эса маънавият фидойилари умуман либосга эътибор бермайдилар. Тасаввуфнинг маломатия тариқида ҳатто ички кибрни енгиш, риё (иккиюзламачилик, мунофиқлик)дан қочиш учун ташқи одобга зид ишлар қилганлар. Нотаниш инсон биринчи бўлиб, қадди-қомати, хусни, кийиниши ва одоби билан диққатимизни тортади. “Вой, анови кишининг қўполлигини, кийган кийими ҳам бир аҳвол экан”, дейишади расида қизлар бир-бирига шивирлашиб. Ёки навқирон йигитлар ўтиб кетаётган гўзал чехрага махлиё бўлишади. Унинг сарв қомати, дид билан кийиниши, лола юз, сунбул

---

<sup>6</sup> Рабғузий, Қисаси Рабғузий, 1-китоб, Т., «Ёзувчи» -1990, с.20.

сочлари, хумор кўзу куюқ киприк, ҳилол қошлари нигоҳимизни яшнатади. Агар бунга ҳаё ва андиша ҳам қўшилса, кўнгилни тамом забт этди, деяверинг.

Инсонни таниш одобдан бошланса, у билан мулоқот давомида ахлоқий хислатларини била борасиз. Ваъдага вафо қиладими, дўстга садоқати қандай, ҳиммати ва саховати, журъати ва шижоати, ўқтамлиги ва орияти - барча ахлоқий фазилатлари бирма-бир кўз олдингизда намоён бўла боради. Бу фазилатлар мажмуи замирида эса яхлит шахс маънавияти нурланади.

Ахлоқ маънавиятга нисбатан сурат, ташқи жиҳат бўлса, одоб ўз навбатида ахлоқий фазилатларнинг юзага чиқишидир. Шу сабабли инсонни англаб етиш одобдан ахлоққа, ахлоқдан маънавиятга қараб теранлашиб боради. Аммо шу билан бирга ахлоқ одобга нисбатан, маънавият эса ахлоққа нисбатан кенг қамровли моҳиятлардир. Инсон одобни унинг барча ахлоқий фазилатларини намоён эта олмаганидек, шахснинг барча ахлоқий сифатларини бир ерга жам этганда ҳам барибир, унинг маънавий дунёсини тўлиқ қамраб олган бўлмайсиз. Асли маънавият Ҳақ нурининг кўнгил кўзгусида акс этиши бўлганлигидан муайян маънода кўнгил эгасининг ўзига ҳам охиригача маълум эмасдир, ғайбга туташдир. Алломалар инсон кўнглини тилсим атайдилар. Кўнгил кўзгусидаги маънавият нури туфайли ҳар бир инсон ўзи сеҳрли тилсимга айланади, моҳиятан чексизлик касб этади.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридан юқорида бир парча келтирган эдик. Энди унинг давомига эътибор қаратамиз:

*“... Офаринишдин қилиб инсон гараз,  
Они айлаб халқ ичинда безъаз.  
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,  
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.  
Рози маҳфий ганж ўлуб бу турфа жисм,  
Сунъидин ул ганж ҳифзига тилисм.  
Ҳам тилисм ул маҳзан узра, ҳам амин,  
Офарин сунъгунгга, эй жонофарин.  
Айлаганда розининг ганжини арз,  
Не само айлаб қабул, они не арз,*

*Ғайри инсонким қилиб они қабул... ”<sup>7</sup>*

(**Мазмуни:** Бутун оламини яратишдан мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Унинг кўнгли Ирфон хазинаси бўлди ва бу тилсим ичида Ҳақ ўзини яширди. Шундай қилиб, бу ажойиб жисм, яъни инсон вужуди махфий хазина сирини ўзида яширган ва ул хазинани сақловчи тилсимдир. Инсон ҳам бағрига хазина яширган тилсим, ҳам ул хазинанинг посбони, ишончли эҳтиётловчисидир.

Эй инсонга жон бахш этувчи, бундай яратган мўъжизангга офаринлар бўлсин! Ҳақ ўз сирининг хазинасини таклиф этганда, на ер, на осмон уни қабул этишга ботинмадилар, фақат инсонгина уни қабул этди...)

Демак, инсон кўнгли ирфон хазинаси, Ҳақ сирини ўзида яширган тилсим экан. Инсон шу сабабли буюқдир. Ирфон Ҳақ сирини қалб билан англаб етиш бўлиб, унга эришган шахс Ориф дейилади. Ҳақ сири Тавҳид маърифатидир. Бу олий ҳақиқатни бутун кўлами ва теранлиги билан тушуниб етиш осон эмас. Бунинг учун инсон атроф-воқелик, табиатга, ўзга инсонлар, башариятга, Ватан ва миллатга, ота-она, фарзанд, дўстга нисбатан ҳуқуқ ва бурчларини мукамал англаб етмоғи, ўзининг ички қудрати ва салоҳияти, руҳияти, ирода ва ҳимматини қалбан ҳис қилмоғи зарур. Ҳар бир инсон бу ёруғ оламга, бу синов майдонига бир олий вазифа билан келган. Ўша асл вазифаси нима эканини топа билмаса, тушуниб етмаса, бу дунёдан нотаомом ўтиб кетмоғи мумкин.

*Дунёдан нотаомом ўтмоқ баайни,*

*Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ -*

деб огоҳлантиради улуғ шоир.

---

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991, с. 19.

## Хулоса

Юксак ривожланган жамият эса ўзликни англаган шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудод сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидаги маъсулият туйғусига, эга эканлиги назарда тutilади. “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат – ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғи лозим?”. Инсон борки, эртами – кечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. бу йўлни – ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало, ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида “мени” билан боғлиқ.

Ўзликни англаш борасидаги Шарқ ва Ғарб алломаларининг фикрлари миллий ғоя ва ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яққол намоён этади. “Ўзлигини англа” шиори қадимги юнон фалсафасининг ўзак масаласи бўлган. Юнон мутафаккирлари бу борада изланишга даъват этган. Эрамиздан аввалги V асрда Протагор, “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир”, деган фикрни илгари сурди. Суқрот учун эса “ўзлигини англа” хикмати донишмандликнинг қоидасига айланди. Ўзлигини англаган инсон маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чоғланади.

Ҳазрат Навоийнинг ўзликни англашга қаратилган фикрлари юқори қадрланади. Масалан, “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмамон” – деган сўзлари бугунги кунда ҳам чуқур маъно касб этади.

“Ўзликни англаш”, “миллий ўзликни англаш” ва ниҳоят “умумбашарий ўзликни англаш” тушунчалари бир – биридан айри эмас, балки бир – бири билан узвий алоқадор, бир – бирини тақозо этади. Зеро, инсон ота – она, оила, миллат, борингки, бутун борлик билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлигини англаб боради. Айни шу муносабатлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва ўз навбатида, миллий ғоя уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

### **Адабиётлар рўйхати:**

- 1.Каримов И.А.Миллий истиқлол мафкураси—халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир ("Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавоблар). Т.:2000.
- 2.Каримов И.А.Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Т.:1999.
- 3.Каримов И.А.Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. ("Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига жавоблар). Туркистон.1999.2 феврал.
- 4.Каримов И.А.Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин («Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). Баркамол авлод орзуси. Т.:1999.
- 5.Каримов И.А.+амолот ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. Халқ сўзи.2001. 28 январ.
- 6.Каримов И.А.Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Том 5. Т.:1997.
- 7.Бобомуродов Э.Бозор ва ёшлар. Фан ва турмуш.1996.№1.

- 8.Булатов С. Дунёнинг тўрт томони. Мулоқот.1998. №4.
- 9.Валиев А,К, Каҳҳоров М. Жамиятимиз синфийми?Фан ва турмуш. 1997. №2.
- 10.Дюркгейм Э.О разделении общественного труда. Перевод с французского П. Юшкевича. Одесса:1994.
- 11.Маркузе Г. Одномерный человек. М.:1994.
- 12.Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.Т.:2000.
- 13.Миллий истиклол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар. Т.:2001.
- 14.ТоффлерЭ. Столкновение с будущим. Иностр. литература.1972.
- 15.Фромм Э. Бегство от свободѣ. М.:1990.
- 16.Фромм Э. Здоровое общество.Психоанализ и культура. М.:1995